

## XIX ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЭРИШГАН НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Оринов Неъматжон Икромович**

Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти

E-mail: [Orinov7707@gmail.com](mailto:Orinov7707@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10654238>

**Аннотация:** мазкур мақолада мамлакатимиз спортчиларини XIX-чи ёзги осие ўйинларида қатнашган спорт турлари бўйича кўрсатган натижаларинг умумий таҳлили баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Осие ўйинлари, спорт турлари, медал, олтин, кумуш, бронза, мамлакатлар, кўрсаткичлар, натижалар, делегация, мусобақалар.

## АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ, ДОСТИГНУТЫХ НАШИМИ СПОРТСМЕНАМИ НА XIX ЛЕТНИХ АЗИАТСКИХ ИГРАХ

**Аннотация:** В данной статье представлен общий анализ результатов спортсменов нашей страны по видам спорта, участвовавших в XIX летних Азиатских играх.

**Ключевые слова:** Азиатские игры, спорт, медаль, золото, серебро, бронза, страны, показатели, результаты, делегация, соревнования.

## ANALYSIS OF THE RESULTS ACHIEVED BY OUR ATHLETES AT THE 19TH ASIAN SUMMER GAMES

**Abstract:** this article describes the general analysis of the results of the sportsmen of our country who participated in the 19th Asian Summer Games.

**Keywords:** Asian Games, sports, medal, gold, silver, bronze, countries, indicators, results, delegation, competitions.

## КИРИШ








Осие Ўйинлари (Асиад ҳам дейилади) ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган спорт ўйинлари мусобақаларидир. Бунда фақатгина Осие давлатлари иштирок қилишади. Осие ўйинлари Осие китъасининг нуфузли спорт мусобақалари. 4 йилда 1 марта ўтказилади. Осие Олимпиада кенгаши 1949 йил 13 февралда асос солган ва мусобақаларни ўтказувчи ташкил этган. Унинг низоми Олимпиада ўйинлари ғоялари асосида тузилган. Ҳар бир давлат Осие ўйинларининг қайси турларида иштирок этишини ўзи белгилайди, лекин вакиллари таркиби ташкилий қўмита ва Осие Олимпиада кенгаши белгилаган сондан ошиб кетмаслиги керак. Олимпиада ўйинлари дастурига кирган спорт турлари ҳамда миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилади. Осие ўйинлари дастурига бирор миллий спорт турини киритиш учун бу тур китъанинг камида 6 та давлатида оммалашган бўлиши ва камида 4 мамлакатдан шу тур бўйича спортчилар иштирок этиши зарур.

**Тадқиқотнинг мақсади:** мамлакатимиз спортчиларини XIX-чи ёзги осие ўйинларида спортчиларимиз эришган натижаларинг таҳлили маълумотни умумлаштириш.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга бугунги кунда алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз спортчилари жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, ҳалқимиз салоҳиятини бутун дунёга намоён қилмоқда.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Хусусан спортчиларимиз 2023-йил 23-сентябр-8-октябр кунлари Хитой давлатининг ханчжоу шаҳрида ўтказилган XIX-чи ёзги осиё ўйинларида иштирок этиб жами 45 та мамлакатнинг 12000-мингдан ортиқ спортчилар иштирок этган спортчилари ичида умум жамоа ҳисобида мамлакатимиз спортчилари 5 чи ўрини эгаллаб жами 71 та шундан 22 та олтин, 18-та кумуш, 31-та бронза медалларини қўлга киритдилар. Бу кўрсаткич 1994-чи йилдан буён ўтказиб келинаётган осиё ўйинларида, Ўзбекистон спортчилари энг яхши натижаларни кўрсатишга мувоффақ бўлдилар.

| Rank | Team/NOC  | 🥇   | 🥈   | 🥉  | Total | Rank by Total |
|------|---|-----|-----|----|-------|---------------|
| 1    |  People's Republic of China              | 201 | 111 | 71 | 383   | 1             |
| 2    |  Japan                                   | 52  | 67  | 69 | 188   | 3             |
| 3    |  Republic of Korea                       | 42  | 59  | 89 | 190   | 2             |
| 4    |  India                                   | 28  | 38  | 41 | 107   | 4             |
| 5    |  Uzbekistan                              | 22  | 18  | 31 | 71    | 6             |
| 6    |  Chinese Taipei                        | 19  | 20  | 28 | 67    | 7             |
| 7    |  Islamic Republic of Iran              | 13  | 21  | 20 | 54    | 9             |
| 8    |  Thailand                              | 12  | 14  | 32 | 58    | 8             |
| 9    |  Bahrain                               | 12  | 3   | 5  | 20    | 16            |
| 10   |  Democratic People's Republic of Korea | 11  | 18  | 10 | 39    | 11            |

### 1-расм. XIX-чи ёзги осиё ўйинларида спортчиларимиз эришган натижаларинг

Ватанимиз спортчилари ушбу нуфузли мусобақа дастурига киритилган жами 60-та спорт турларининг 38-таси мазкур медалларнинг 32-таси олимпия спорт турлари 6-таси ноолимпия спорт турларидан жами 390-нафар спортчи жумладан 230-нафари эркаклар 160-нафари аёл қизларни ташкил этди.


Хусусан умумий жамғарилган 71 та медал соҳибларини 132 спортчилар ташкил этади улардан 52 таси аёл спортчиларимиз, 80 таси эркак спортчиларимиз кишилар бўлиб, фоиз ҳисобида эса 39% ни аёллар, 61% ни эришилган натижадар эркаклар эгаллагани аниқланди.

Ушбу медал соҳиблари мамлакатимизни турли ҳудудларидан қўлга киритилган, хусусан қуйидаги вилоятлар ҳамда Қарақолпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри спортчиларига тегишли бўлиб жумладан Андижон вилояти 4 та, Хоразм вилояти 15 та, Фарғона вилояти 3 та, Тошкент шаҳар 37 та, Тошкент вилояти 14 та, Сурхандарё вилояти 4 та, Сирдарё вилояти 10-та, Самарқанд вилояти 17 та, Наманган вилояти 5 та, Навоий вилояти 6 та, Қарақолпоқ республикаси 7 та, Қашқадарё вилояти 5 та, Жиззах вилояти 4 та, ва Бухора вилояти 1 та медалларга сазовар бўлдилар.

Ватанимиз спортчилари кўрсатган натижаларини қўшни Марказий осие давлатлар спортчилари кўрсатган натижаларига таққослаганда, Марказий осие давлатлари ичида биринчи бўлишди.

Ханчжоу шаҳрида ўтказилган XIX-чи ёзги осие ўйинларида иштирок этган Марказий осие қўшни давлатлар натижалари жумладан Қазоғистон Республикаси умум жамоа ҳисобида 11 чи ўрин, Қирғизистон республикаси умум жамоа ҳисобида 8 чи ўрин, Тожикистон республикаси умум жамоа ҳисобида 24 чи ўрин ва Туркменистон республикаси умум жамоа ҳисобида 29 чи ўринларни эгалладилар.

Бундан олдинги 2018-йил Индонезия давлатида ўтказилган XVIII-чи ёзги осие ўйинларида ватанимиз спортчилари жами 20 та спорт туридан, шундан 16 таси олимпия ва 4 таси ноолимпия спорт турларидан иштирок этиб умум жамоа ҳисобида 5-чи ўринни эгалаб, жами 69 та медал шундан, 20 та олти, 24 та кумуш, 25 та бронза медаллари, 2014 йилги ёзги осие ўйинларида жами 45 та медал шундан, 9 та олти, 14 та кумуш, 22 та бронза, 2010 йилги ёзги осие ўйинларида жами 56 та медал шундан, 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза, 2006 йилги ёзги осие ўйинларида жами 40 та медал шундан, 11 та олтин, 14 та кумуш, 15 та бронза, 2002 йилги ёзги осие ўйинларида жами 51 та медал шундан, 15 та олтин, 12 та кумуш, 24 та бронза, 1998 йилги ёзги осие ўйинларида жами 40 та медал шундан, 6 та олти, 22 та кумуш 12 та бронза, 1994 йилги ёзги осие ўйинларида жами 42 та медал шундан, 11 та олтин, 12 та кумуш, 19 та бронза медаллари соврундори бўлишган. Ўзбекистон делегацияси илк бор осие ўйинларида Ўзбекистон тарихидаги, сон жиҳатидан энг кўп медал жамғарди ҳамда энг кўп олтин медал қўлга киритди.



2-расм. Тайёргарлик дастури бўйича умумий маълумот

Мамлакатимиз спортчилари XIX-чи ёзги осиё ўйинлари даврида замонавий бешкураш ва бокс спорт турларидан Париж 2024 олимпия ўйинларига жами 5-та йўлланма яни лицензияни қўлга киритдилар.

Эндиликда Ўзбекистон ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон миллий олимпия комитаси ҳамда спорт ташкилотлари ҳақмкорлигида иқтидорли спортчиларнинг саралаш, терма жамоаларни шакиллантириш спортчиларга маҳаллий ва хорижий ўқув машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг нуфузли мусобақалардаги муносиб иштирокини таъминлаш борасида қатор тизимли ишларни амалга оширмоқлиги лозим.

Қатор мутахассислар ҳозирги кунда малакали спортчиларни мусобақага тайёрлашда, тайёргарликлари орасида психологик тайёргарлик юқори туришини ўз тадқиқотларида таъкидлаб келмоқдалар.

Спортчиларни психологик ҳолати фақатгина мусобақалар эмас, машғулот фаолиятини ҳам муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳавотир ва ҳавотирланишнинг мусобақа фаолияти самарадорлигига таъсирини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Шунинг учун ҳавотир ва ҳавотирланишнинг мусобақа фаолияти самарадорлигига таъсирини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

### **ХУЛОСА**

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон бунёдкорларини вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ислохотларимизнинг яна бир амалий натижаси сифатида барчамизга ғурур ва ифтихор бағишламоқда. Мазкур натижалар натижасида ёшларни эл-юртга садоқатли қилиб тарбиялаб камолга йетади. Йирик халқаро спорт беллашуви Осиё ўйинларида қўлга киритган тарихий натижалар билан келгуси фаолиятингизда янги-янги зафарлар кутиб қоламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Abdulaziz Usubjon ugli Khamiddjanov. (2020). The system and content of student selection in belt wrestling. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(4), 316-317.
2. Khamidjanov Abdulaziz Usubjon og'li. (2020). Improving the system and content of selection of children for the sport of belt wrestling. Indicators, 8(11), 12-16.
3. Nuriddin Rukhiddinov Goziyev, Abdulaziz Usubjon ugli Khamiddjanov. (2019). The stage of improving the system and content of candidate selection for belt wrestling. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(3), 279-281.
4. АУ Хамиджонов. (2020). Белбоғли кураш спорт турига болаларни саралашнинг назарий ва амалий таҳлили. Fan-Sportga, 6(6), 75-77.
5. ФА КЕРИМОВ, АУ ХАМИДЖОНОВ. (2021). Белбоғли курашга болаларни саралашда мусобақа фаолияти ва техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичлар самарадорлигини баҳолаш ва назорат қилиш методикаси. Научно-практическая конференция, 1(1), 35-390.
6. ФА КЕРИМОВ, АУ ХАМИДЖОНОВ. (2022). Белбоғли кураш спорт турига 9-14 ёшли болаларни саралашда махсус жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларининг ўрни ва аҳамияти. Научно-практическая конференция, 1(1), 62-73.